

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Янги Ўзбекистон – янги сайловлар!

2019 йилнинг 22 декабрь тонги ҳар қачонгиданда файзли бошланди. Эрта тонгдан ҳамюртларимиз қатори вилоятимиз аҳли ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловларда муносиб номзодларга овоз бериш учун ўз сайлов участкалари томон ошиқшди.

■ **Шукуҳ**



Таъкидлаш жоизки, вилоятда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 13 та, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи 60 та, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи 626 та округ сайлов комиссиялари тузилди. Шуларни қамраб олган мавжуд 958 та сайлов участкасида соат 8.00 да давлатимиз мадҳияси янгради ва овоз бериш жараёнлари бошланди.

Қайд этиш лозимки, бу йилги сайловлар Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган янги Сайлов кодекси асо-

сида мутлақо янгича руҳда ўтди. Жумладан, сайловларда 5 та партия иштирок этди. Сиёсий жараёнда иштирок этиш учун Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тиклиш" демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Экологик партияси учун тенг имкониятлар яратилди.

Тошкент вилояти сайлов комиссияси жойлашган бино марказий ва маҳаллий оммавий

ахборот воситалари ходимлари билан гавжум бўлди. Боиси, комиссия билан бир бинода фаолият кўрсатган Халқаро Матбуот маркази вилоят бўлимида аккредитациядан ўтказилган журналистлар вилоятда сайлов жараёнларининг бориши, сайловчилар ва халқаро кузатувчиларнинг фикр ва таассуротларига доир ахборотларни тезкорлик билан тайёрлаб, ўзлари мансуб оммавий ахборот воситаларининг интернет саҳифалари ва сайтларига тезкорлик билан жойлаштириб боришди.

– Халқаро матбуот маркази



бўлимида журналистлар учун яратилган шароитлар аъло даражада бўлди, – дейди Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлигининг Тошкент вилояти бўйича муҳбири Авазбек Худойкулов. – Бундай шароитда ишлаш ҳам мароқли, ҳам самарали натижа берди.

Матбуот марказидан "Ўзбекистон 24", "Тошкент" телерадиоканали ижодий гуруҳлари, "Халқ сўзи" ва "Народное сло-

во" газеталарининг вилоят бўйича махсус мухбирлари, шунингдек, "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари, ижтимоий тармоқлардаги "Олтин воҳа" ҳамда "Тошкент вилояти: сайлов", "Ҳақиқат онлайн" телеграмм каналлари маъмурлари тезкорлик билан ахборот узатиб туришди.

Давоми 2-бетда ➡



Аброр ЭСОНОВ ва Мансур ХИММАТОВ олган суратлар

■ Сайёҳлар учун
ташриф қоғози

БЎСТОНЛИҚ ТОҒЛАРИ ЧОРЛАЙДИ

Ўзбекистондаги энг
йирик туристик объектлардан
бири – "Amirsoy" тоғ-чанги
курорти сайёҳларни
кутмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 сентябрдаги фармойишига мувофиқ Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги "Чимён" курорт-дам олиш зонасининг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва янада ривожлантириш, маҳаллий ва хорижий туристларни худуднинг ноёб табиати ва тоғ ландшафти билан кенг таништириш, шунингдек, халқаро даражадаги тоғ-чанги курортини қуриш лойиҳасини амалга ошириш белгиланган эди.



Лойиҳанинг умумий қиймати 100 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Унинг биринчи босқичи 2019 йилнинг IV чорагида, иккинчи босқичи эса 2022 йилнинг III чорагида тугалланиши режалаштирилган. Тоғ-чанги мажмуасининг биринчи босқичи режага мувофиқ, сайёҳлар ва дам олувчиларни қутиб олишга тайёр. "Amirsoy" тоғ-чанги курорти – Ўзбекистонда қурилаётган энг йирик туристик объектлардан бири. Лойиҳа мамлакатимиздаги биринчи замонавий тоғ-чанги курорти бўлиб, унда мижозларга қулай, хавфсиз ва сифатли, жаҳон талаблари даражасида хизмат кўрсатилади.

Давоми 3-бетда ➡

□ **Ҳамма ўқиши шарт...эмас**

Кувончбек деган дўстим бор. Кўп гурунг қиламиз. У бир кун ҳазил йўлига: "Зулфиячига уйлангур", деб қолди. Нега бундай деганини тушундим. Биринчидан, бу бўйдоқларга хос қитмирона ҳазил бўлса, иккинчидан, унинг наздида, қайсидир маънода енгилгина... қарғиш ҳам эди.

«ЗУЛФИЯЧИ» ҚИЗГА УЙЛАНАСИЗМИ?

Биз доим заифни қўллаган миллатимиз. Қандайдир танлов ё беллашув поёнига етдимиз, тамом – биз, аввало, мағлуб бўлганимиз кўп қўтариб, голибни салкам адолатсизлик рамзига айлантiramиз. Истеъдодли қизларга Зулфия номидаги давлат мукофотини топишириш вақтида бу қусуримиз, айниқса, авжига чиқади. Одамлар иккига бўлинади: мукофот соҳибаларининг бундан қай қинғир йўллар билан олганига қизиқадиган "изкуварлар" ва бунга асло эътибор бермайдиган, аммо ичидан бир истеъдод сақлаган томошабинлар. Аслида уларнинг тури кўп. Масалан, "медалистка"ларни танқид қилибгина қолмай, уларнинг устидан куладиган, ижтимоий тармоқларда мазахўрак постлар қолдирадиганлар, қизларнинг баъзилари бу мукофотга чиндан лойиқлигини эътироф эта-

диганлар ва ҳоказо ва ҳоказо... Шахсан менга бундай мукофотлар у ёқда турсин, ҳатто кимнингдир халқ шоири бўлиши ҳам қизиқ эмас. Балки, бу ҳали ёшлигимдандир. Менга қизиғи, нега голибларга доим ҳақоратомуз муносабатда бўлиниши...

Келинг, бир мисол келтирмиш, айниқса, авжига чиқади. Одамлар иккига бўлинади: мукофот соҳибаларининг бундан қай қинғир йўллар билан олганига қизиқадиган "изкуварлар" ва бунга асло эътибор бермайдиган, аммо ичидан бир истеъдод сақлаган томошабинлар. Аслида уларнинг тури кўп. Масалан, "медалистка"ларни танқид қилибгина қолмай, уларнинг устидан куладиган, ижтимоий тармоқларда мазахўрак постлар қолдирадиганлар, қизларнинг баъзилари бу мукофотга чиндан лойиқлигини эътироф эта-

Давоми 3-бетда ➡

ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР, ХАЙРЛИ ТАШАББУСЛАР МАРКАЗИГА АЙЛАНАЁТГАН ОҲАНГАРОН



Бугунги кунда Оҳангарон туманида 94 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Улар учун муносиб яшаш шароитини яратиш, бандлигини таъминлаш туман ҳокимлигининг доимий эътиборида. Шу боис, туманда янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимиз тараққиётига, қолаверса, Оҳангарон туманининг кун сайин чирой очиб, юксалиб боришига хизмат қилмоқда.



4

Кечаги кун билан бугунги кунни таққосласак, жуда катта фарқни кўрамиз. Фақат жойлардаги ҳар бир соҳа раҳбари ўз зиммасига бириктирилган масъулиятни унутмай оқилона иш юритса, Президентимиз кўзлаган марраларга эришишимиз осон кечади. Шундай экан, бу борада ҳар бир лавозимга тайинланган шахс муносиб хулқа, халқ дарадини тинглаб, одамларни ортидан эргаштира оладиган қобилиятга, юксак маънавиятга эга бўлиши керак.

Туманимизда ўтаётган йил мобайнида қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Бундан кўрадаги мисолларда кўриш мумкин: жорий йилда жами 2 мингдан зиёд иш ўрни яратилди; бир йил муддат ичида ҳудуддаги кам таъминланган аҳоли вакилларида 784 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди; бандлиги таъминланган фуқароларнинг асосий қисмини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этмоқда.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож 2 та оилага, 17 нафар профилактика инспекторларига намунали уй-жой қуриб берилди. 10 нафардан зиёд кам таъминланган оила-

ларнинг хонадонлари замонавий услубда таъмирдан чиқарилди.

Қисқа вақт ичида 2 та мактабгача маълим муассасаси, 2 та замонавий умумтаълим мактаблари янгидан барпо этилиб, бир неча таълим даргоҳларида тўлиқ реконструкция ишлари амалга оширилди. Туман ҳудудида қурилатган 300 дан ортиқ янги намунали уй-жойлар яқин орада ўз эгаларига топширилади. 122 та нотурар бино объектлари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган фуқаролар ихтиёрига берилди.

Шу мақсадда жорий йилда умумий қиймати 18 миллион доллар миқдордаги хорижий, 250 миллион сўмдан ортиқ маҳаллий инвестиция киритилди. Хорижий инвестиция бўйича 9 та, маҳаллий инвестиция бўйича 12 та лойиҳа амалга оширилди. Май ойида иш бошлаган "TrendTex" ҳамда "Макропродакшн" МЧЖлар жондор бозорида ўз ўрнини топ-

ронлар жамиятининг туман бўлиналари, "Оила" илмий-амалий тадқиқот марказининг туман бўлими ташкил этилди. Улар томонидан ёши улугларга эътибор кўрсатиш, аҳолининг муаммоларини тизимли ўрганиш ва ҳал этиш, айниқса, яшаш шароити оғир аёлларни қўллаб-қувватлаш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш борасида салмоқли ишлар

сати изчиллик билан амалга татиқ этилаётганини аниқлади.

Яна бир асосий масала давлатнинг иқтисодиётидаги ролини камайтириш ҳисобланади. Яъни, туманда кўпроқ хусусий секторнинг ривожланишига имконият яратиш лозим. Шунингдек, давлат томонидан "ақлли" бошқариш тизимини жорий қилиш, давлатнинг айрим функцияларини хусу-

ЎЗГАРИШНИ ЎЗИМИЗДАН БОШЛАЯПМИЗ

Ёшларнинг таълим олиш имкониятларини кенгайтириш, таълим дастурлари ва ўқитиш услубларини халқаро стандартларга яқинлаштириш асосий вазифамиздир. Бир сўз билан айтганда, фаолиятимизни "Таълимга киритилган инвестиция – келажакка киритилган сармоядир!" таможили асосида ташкил этаёямиз.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида тарбияланган 876 нафар ўқувчи-ёшлар орасидан чиққан 60 нафар Ўзбекистон, 15 нафар халқаро мусобақалар чемпиони, шунингдек, Болалар мусика ва санъат мактабининг 300 дан зиёд ёш истеъодлари давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибордан куч олиб, янги-янги марраларни забт этишяпти.

Тан олиш керакки, сўнгги 3 йил ичида мамлакатимиз халқ таълими тизимида мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй берди. Бу борадаги ислохотлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Ўқитувчи-муаллимларга бўлаётган эътибор, яратилган имтиёзлар фикримизнинг яққол далилидир.



Халқимизда "Қарс икки қўлдан чиқади", деган нақл бор. Ҳўш, яратиб бераётган шароит ва имтиёزلарга ўқитувчиларимиз муносиб жавоб бера олишяптими?

Ижтимоий тармоқларни мунтазам кузатиб бораман. Бу менга таълим тизимида оид жараёнлар тўғрисида кўплаб маълумотларни таҳлил қилиш имконини беради. Яқинда фейсбук саҳифасида бир изоҳга кўзим тушди. Ҳуллас, қисқача маъноси бундай: "айни пайтда юртимиздаги олий таълим муассасаларига кириш борасида мактаб ўқитувчиларидан кўра репетиторларнинг роли баланд бўлмоқда. Аччиқ бўлса ҳам тан олишимиз керак, афсуски, ҳозирги кунда вазият шундай кўринишда. Ўзтибор берганимиз, бирон-бир ўқувчи фан олимпиадасида юқори натижаларга эришса, ўқитувчиси бундан ўз меҳнатларининг самараси, дея баҳолайди. Бунга ҳақли ҳамдир. Лекин, танганинг иккинчи томонига қарайдиган бўлса, муваффақиятсизлик бўлса ёхуд ўқувчи олий таълим муассасасига кира олмаса, ўша ўқитувчиларимиз айбни бошқа жойдан қидиришга ҳаракат қилишади..."

Халқ таълими вазири Шерзод Шерматовнинг фейсбук саҳифасидаги мурожаатини ўқиб, бугунги кун ўқитувчиларига берилган баҳони кўрдим. Дарҳақиқат, вазириимиз таъкидлаганидек, ютуқларга эришган мактаб ўқитувчилари муваффақиятлар гарови сифатида ўзларининг талабчанлиги, касбини севими, тартиб-интизом, дарсга пухта тайёргарлик кўриш каби жиҳатларни айтиб ўтишади. Аксинча, бирон-бир битирувчиси ўқишга қиролмаган мактаб жамоаси эса умуман бошқа сабабларни келтириб, ўзларини оқлашга интилишади. Яъни, самарадорликнинг пастлигига ота-оналарнинг фарзандларига бефарқлиги, ўқувчида қизиқиш йўқлиги ва бошқа ваҳларни кўрсатишади...

Энди давр ўзгарди, ўқитувчига бўлган муносабат ўзгарди. Шундай экан, айти пайтда, яъни бутун жамиятнинг, мамлакат раҳбариятининг нигоҳи биз – устозлар томон қаратилган вақтда яратилаётган имкониятларни суиистеъмол қилишга ҳаққимиз йўқ. Бунинг учун эса, аввало, ўзгаришни ўзимиздан бошлашимиз керак. Мактаб шаъни, асосан, ўқитувчиларнинг меҳнатига боғлиқ. Ўқувчиларга мотивация бериш, ўқишга қизиқтириш, ота-оналарга фарзандларининг келажаги барча орзу-ҳаваслардан муҳим эканини тушутири олишимиз керак. Шундагина кўзланган мақсадларга эришамиз.

Бахтиёр ҚАШИБОВ,
туман Халқ таълими бўлими мудир

ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР, ХАЙРЛИ ТАШАББУСЛАР МАРКАЗИГА АЙЛАНАЁТГАН ОҲАНГАРОН



ди. Йилнинг биринчи ярмида бундай экспортбон корхоналар сони 4 тага кўпайди.

Одамларнинг дарду ташвишлари билан яшаш, аҳолини ўйлантираётган муаммоларга жойида тезкор ечим топиш бугунги кундаги айни долзарб вазифадир. Йил давомида аҳоли билан 69 та сайёр қабул ўтказилди. Уларда 1 минг 696 нафар фуқаронинг мурожаатлари тингланган. Шундан 876 таси жойида қаноатлантирилди. Қолган мурожаатлар тегишлилигича ҳал этиш учун корхона, ташкилот ва муассасаларга йўналтирилди. 25 нафар яшаш шароити ночор, ёлғиз, кекса ва эҳтиёжманд оилаларнинг хонадони таъмирлаб берилди.

Кам таъминланган, оғир аҳволга тушиб қолган 30 нафар фуқарога манзилли кўмак берилди. Хусусан, нўгайқўрғонлик Дилдора Закирйорова, "Шодлик" маҳалласида яшовчи Дилмурод Бекмуродовнинг марказ клиникаларида даволанишлари учун моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

Яқин бир йил ичида бевосита туман ҳокимлиги ташаббуси билан "Маънавият ва маърифат" маркази, "Нуроний" жамғармаси, Қизил Ярим ой жамияти, ноги-

амалга оширилди. Жумладан, "Оила" маркази ёрдамида қисқа вақт ичида 20 та оилавий муаммолар ижобий ҳал этилишига эришилди.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг туман кенгаши ўз атрофида 13 минг 850 нафар ёшларни бирлаштирган. Дарвоқе, ёшларга оид давлат сиёсати доирасида амалга оширилиб келинаётган "Ҳоким ва ёшлар учрашуви" энг истиқболли лойиҳалардан саналади.

Келгуси йили бунёд этиладиган "Ёшлар маркази" учун давлат бюджетидан 9 миллиард сўм маблағнинг йўналтирилиши туманимизда ёшларга оид давлат сиё-

сий секторга бериш, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ривожлантириш масалаларига эътибор қаратишимиз лозим. Бу борада барча масъуллар ўзлари-га аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаб олишди.

Яқин истиқболда инвестицион лойиҳалар миқдорини 12 тага етказиш, шу орқали қўшимча 1 минг 18 та янги иш ўринлари яратиш, кўпгина маҳалла фуқаролар йиғинларини "Обод маҳалла" дастури асосида кўрам ва обод ҳудудларга айлантириш каби улугвор ва кен қўламли мақсад вазибалар ҳам муҳимдур.

Абдувоҳид ТУРДИБОВ,
туман ҳокими



Президент ташрифидан сўнг...

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 1-3 июнь кунлари Тошкент вилоятига ташрифи якунида тасдиқланган янги манзилли Дастурга асосан, туманда 2019-2020 йилларда жами қиймати 4

триллион 61 миллиард сўмлик 37 та лойиҳа амалга оширилиши ҳамда бунинг натижасида 3 минг 437 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган.

Саноат соҳасида 14 та, қишлоқ хўжалиги соҳасида 17 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 6 та лойиҳа, умумий қиймати 3

триллион 340,6 миллиард сўм, шундан: ўз маблағи 656,8 миллиард сўм, банк кредити 21,5 миллиард сўм, хорижий ин-

вестиция 321,4 млн. АҚШ доллари.

Вилоят ҳокимлиги томонидан туман учун 2019 йил хорижий инвестицияларни

ўзлаштириш прогноз режаси 13 миллион АҚШ доллари этиб белгиланган. Ушбу прогноз режасида жорий йил 9 ойлик якуни бўйича 10 миллион АҚШ долларилик хорижий инвестицияларни ўзлаштириш кўзда тутилган бўлиб, жами 12 та хорижий корхоналар томонидан 12,3 миллион АҚШ долларилик хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Бу эса режа ортиси билан бажарилганини кўрсатади.

Мурожаатлар ечим топмоқда

Туман Халқ қабулхонасида 2019 йил 1 октябрь кунига қадар жисмоний ва юридик шахслардан 1 минг 413 та мурожаат келиб тушган. Мурожаатларнинг 130 таси ҳудудий ташкилотларга, 66 таси юқори ташкилотларга юборилган.

1 минг 217 таси туман ҳокими қабулида қўриб чиқилиб, 1 минг 19 таси қаноатлантирилган. 125 та мурожаат ижобий ечим топган, 894 тасига ҳуқуқий маслаҳатлар берилган, 394 таси эса тушунтириш ишлари олиб борилиши натижасида бартараф этилган.

Халқ қабулхонаси томонидан 9 ой ичида жойларда 56 та сайёр қабуллар ўтказилиб, фуқаролар томонидан 1 минг 298 та масала кўтарилган, шундан 774 таси жойида қаноатлантирилган.

Муаммолар ҳал этилмоқда

та мурожаат қўриб чиқиш жараёнида.

Бундан ташқари, мунтазам равишда белгиланган жадвал асосида сайёр қабуллар ташкил этилмоқда. Хусусан, шу кунга қадар қабулхона томонидан ҳудудий сектор раҳбарлари билан ҳамкорликда жойларда 12 та сайёр қабуллар ўтказилди.

Янги завод қурилади

Жорий йил 22 октябрда Хитойнинг "Toshkent conch cement" МЧЖ хорижий корхонаси билан Оҳангарон тумани ҳокимлиги ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Унга кўра, тумандаги "Қизилбой" маҳалласи ҳудудида йилига 2,2 миллион тонна цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган завод қурилади. Лойиҳанинг умумий қиймати 200 миллион АҚШ доллари ташкил этади. Ушбу лойиҳа тўғрисида тўғри хорижий инвестиция маблағлари эвазига амалга оширилиши режалаштирилди. Лойиҳа ишга тушиши натижасида 350 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

Автобусда сайёр боғча

Мактабгача таълим тизимида таълим ва тарбиянинг инновацион, муқобил шакллари жорий этиш мақсадида, жорий йил 18 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Мобиль гуруҳлар базасида мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш бўйича тажиба-синов лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди.

Ушбу қарорга мувофиқ, тумanning энг олис, мактабгача таълим муассасалари мавжуд бўлмаган ҳудудларда мобиль гуруҳлар ташкил этилди. "Санам", "Корасувёқа", "Чувилдоқ" маҳалла фуқаролар йиғинларида мобиль гуруҳлар учун "ISUZU" русумли автобус ажратилди.

Бош муҳаррир

Файрат
ШЕРАЛИЕВ

Манзиллими:
111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги
офисимиз:
100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Кабулхона:

Бош муҳаррир ўринбосари:

Масъул котиб:

Бўлим муҳаррирлари:

Эълолар ва ҳисоб-китоб бўлими:

Электрон почта: toshkenthahqiqati@mail.uz /// th-tp@inbox.ru

Телефонлар:

(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)

(71) 233-70-10

(71) 233-90-82

(71) 233-38-23, (71) 233-48-08

(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер марказида
терийди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев
томонидан саҳифаланди.

Набатчи муҳаррир
Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаввиф
Аллома АЗИЗОВА
Набатчи
Мирзохил АБДУЛЛАЕВ